

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ

НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

НАСРУЛЛАЕВА ГУЛШАН САМАДОВНА

**АНТРОПОЦЕНТРИК МЕТАФОРАНИНГ ЛИСОНӢЙ, КОГНИТИВ ВА
ЛИНГВОМАДАНИЙ АСПЕКТИ**

10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2019

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Насруллаева Гулшан Самадовна

Антропоцентрик метафоранинг лисоний,
когнитив ва лингвомаданий аспекти..... 3

Насруллаева Гулшан Самадовна

Лингвистические, когнитивные и лингвокультурные аспекты
антропоцентрической метафоры..... 23

Nasrullayeva Gulshan Samadovna

Lingvistic, cognitive and lingvocultural aspects of
anthropocentric metophor 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ

НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

НАСРУЛЛАЕВА ГУЛШАН САМАДОВНА

**АНТРОПОЦЕНТРИК МЕТАФОРАНИНГ ЛИСОНИЙ, КОГНИТИВ ВА
ЛИНГВОМАДАНИЙ АСПЕКТИ**

10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2019

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида
№В2019.2.DSc/Fil365 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Нукус давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифанинг www.tashgiv.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ибрагимов Юлдаш Маткаримович
филология фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Хошимов Ғанижон Мирзаахмадович
филология фанлари доктори, профессор

Сафаров Шахриёр Сафарович
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети**

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017. Fil.05.02 рақамли илмий кенгашнинг «___» _____ 2019 йил соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19. Тел.: манзил бўйича: (99873) 244-66-02; факс: (99873) 244-44-93; e-mail: fardu_info@umail.uz).

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19. Тел.: манзил бўйича: (99873) 244-66-02.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси)

М.Х.Ҳақимов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

М.Т.Зокиров

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, филол.ф.н., доцент

С. Мўминов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, филол.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослиги ХХI асрда ўзининг янги сифат босқичига кўтарилди ва лисоний имкониятларнинг нутқий воқеланишида инсон омили масаласига ўз диққатини қаратмоқда. Агар у XIX асрда тил системаларининг келиб чиқиши, уларнинг қариндошлик хусусиятлари, тилларнинг генеологияси муаммолари билан шуғулланган ва ХХ асрда ҳар бир тилнинг ички системавий хусусиятлари ҳамда тил бўйича таълим мазмунига материал тайёрлаш муаммоси эътибор марказида бўлган бўлса, янги асрда тиллар системавий имкониятларининг нутқий воқеланиши ва бунда инсон омили масаласи устуворлик қилмоқда.

Дунё тилшунослигида тилларнинг лингвомаданий, лингвомаънавий, лингвокоммуникатив муносабатини ўрганишга эътибор кучайганлиги уларни ўзида яққол акс эттирувчи антропоцентрик метафоранинг тадқиқи зарурати муҳим масала эканлигини кўрсатади. Тилнинг имконият сифатидаги ҳолати лисон бўлиб, бу имкониятнинг воқеланиши жонли нутқий системаларни вужудга келтиради. Лисон мавҳум ва статик система бўлса, унинг реаллашуви бўлган нутқ ўзида турли лисоний ва нолисоний ҳодисаларни мужассамлаштирган, динамик системадир. Бу динамик системада лисоний имкониятлар шахсий ва прагматик омиллар таъсирида турли ўзгаришга учрайди. Имкониятлар кенгайиши, торайиши, кучайиши ёки, аксинча, ўта кучсизланиши ҳам мумкин ва бу, аввало, бошқа лисоний бирликларнинг таъсири натижасида юз беради. Шунингдек, прагматик вазият, сўзловчи ва тингловчининг ўзига хослиги, ижтимоий омиллар лисоний имкониятларни юзага чиқаришда кўмаклашади ва уни нутқий мулоқот вазиятига мослайди. Бу мослашиш матнда луғавий бирликлар ўз ва кўчма маънода қўлланишларида яққол кўзга ташланади.

Бугунги кунда ўзбек тилшунослигида тилнинг лингвомаданий имкониятлари тадқиқига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу маънода антропоцентрик метафорани тил ва маданият, тил ва мулоқот, тил ва маънавият, тил ва руҳият муштараклиги муаммосини ўрганиш, ўзбек тилига хос бирликлар мисолида луғавий бирликлар маъновий имкониятларининг лингвистик табиатини очиб бериш, антропоцентрик метафоранинг лисоний, когнитив ва лингвомаданий тавсифини бериш тилшунослигимиздаги муҳим вазифалардан биридир. “Олий таълим муассасаларида илмий салоҳиятни янада ошириш, илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш кўламини кенгайтириш”¹ вазифаси тилшуносликка оид назарий ва амалий тадқиқотлар учун асосий йўналишларни белгилаб беради. Мазкур тадқиқот шу маънода антропоцентрик метафорани ўрганиш орқали ўзбек халқининг миллий тили, тарихи, маданияти, урф-одатлари, анъаналари, ҳаётий кадриятлари ҳақидаги билимларни янада кенгайтиради.

¹ Мирзиёев, Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси. Халқ сўзи газетаси. 2018 йил 29 декабрь. – № 271- 272 (7229-7230)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ҳамда 2018 йил 28 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномаси ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти ҳам муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида метафоралар Арасту даври (метафоранинг психолингвистик табиати, инсон ҳис-туйғуларининг белгиларга айланишини соф физиологик омиллар билан асослаш)дан бошлаб тадқиқ қилинган, бугунги кунда замонавий тилшунослик вакилларидан Ю.Д.Апресян, М.А.Арбиб, Н.Д.Арутюнова, А.Вежбицкая, О.И.Глазунова, Д.Дэвидсон, Э.Кассирер, Д.Лакофф, М.Жонсон (мавзунинг антропология, лисон, маданиятга доир жиҳатлари); Р.Д.Лэнг, Э.Маккормак, И.П.Меркулов, М.Минский (фреймлар назарияси, ассоциатив образлар); Х.Ортега-и-Гассет, Ж.Серль, Ю.С.Степанов, Ф.Уилрайт (умуман метафоралар, генератив семантика, метафоранинг когнитив функцияси, коммуникатив, ҳиссий, волюнтатив таъсир кўрсатиш функцияси); Р.Якобсон, О.Н.Лагута² (умуман,

² Апресян Ю.Д. Метафора в семантическом представлении эмоций. Вопросы языкознания. 1995. – № 3. С. – 17 – 27; Арбиб М.А. Метафорический мозг. – М.: Мир, 1976. – 296 с.; Арутюнова Н.Д. Метафора и дискурс. Вступительная статья. Теория метафоры. Творчество и гармонизации личности: сборник научных статей –М., 1990. – С. 5-32; Арутюнова Н.Д. Типы языковых значений: Оценка. События. Факт. – М.: Наука, 1988. - 388 с.; Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека. – М.: Языки русской культуры, 1998. – 895 с.; Вежбицкая А. Лексическая семантика в культурно сопоставительном аспекте. Семантические универсалии и описание языков. Пер. с англ. А.Д. Шмелева под ред. Т.В. Булыгиной. – М.: Языки русской культуры, 1999. I-XII. –780 с.; Глазунова О.И. Логика метафорических преобразований. – СПб., 2000. – 190 с.; Дэвидсон Д. Что означают метафоры. Теория метафоры. Сборник статей – М.: Прогресс, 1990. –173 с.; Кассирер Э. Сила метафоры. Теория метафоры. Сборник статей – М.: Прогресс, 1990. – 33 с.; Лакофф Д. Когнитивная семантика. Язык и интеллект. – М.: Прогресс, 1996; Лакофф Д., Джонсон М. Метафоры, которыми мы живем. Теория метафоры. – М.: Прогресс, 2006. – 387 с.; Лэнг Р.Д. Расколотое «я». – СПб.: Белый Кролик. 1995. – 352 с.; Маккормак Э. Когнитивная теория метафоры. Теория метафоры. Сборник статей – М.: Прогресс, 1990. – 358 с.; Меркулов И.П. Когнитивная наука. Новая философская энциклопедия в четырех томах. Т. 2. – М., 2001. – 264 С.; М.Минский. Остроумие и логика когнитивного и бессознательного. Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XXIII. – 291-292 с.; Ортега-и-Гассет Х. Две главные метафоры. Теория метафоры. Сборник статей – М.: Прогресс, 1990. – 68 с.; Серль Дж. Метафора // Теория метафоры. Сборник статей – М.: Прогресс, 1990. – 308 с.; Степанов Ю. В трехмерном пространстве языка. – М.: Наука, 1985. – 336 с.; Уилрайт Ф. Метафора и реальность. Теория метафоры: Сборник статей. – М.: Прогресс, 1990. – 82 с.; Якобсон Р. Работы по поэтике. – М.: Прогресс, 1987. – 464 с.; Лагута О. Лингвометафорология: основные

метафорологиянинг тадрижий ривожи); мамлакатимизда эса М.Мирзаев, М.Миртожиев, М.Мукаррамов, З.Тоҳиров, С.Усмонов, А.Ҳожиёв, Ш.Раҳматуллаевлар³ ва бошқа олимлар томонидан ҳар хил аспектда ўрганилган.

Ўзбек тилшунослигининг янги босқичида метафорага оид бир қатор илмий тадқиқотлар юзага келди. Жумладан, Г.Қобулжонова, А.Хўжамқулов, Д.Худайберганова, Ш.Махмараимова, Д.Рустамова, А.Юлдашев⁴ каби тилшуносларнинг илмий кузатишлари ва шу асосда олинган илмий хулосалари ҳам ўзбек тилининг метафора назарияси асосида ўрганиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Бироқ мавжуд илмий ишларда антропоцентрик метафоранинг лисоний, когнитив ва лингвомаданий аспекти етарли даражада ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти илмий-тадқиқот режасининг “Ўзбек тили лисоний имкониятларининг нутқий воқеалари” йўналишида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади антропоцентрик метафоранинг когнитив ва лингвомаданий жиҳатларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

антропоцентрик метафоранинг лисон ва нутққа муносабатини аниқлаш;

антропоцентрик метафоранинг турларини аниқлаш ва таснифлаш;

антропоцентрик метафоранинг когнитив механизмини очиш;

антропоцентрик метафоранинг лингвомаданий жиҳатини тавсифлаш;

Тадқиқотнинг объекти метафоранинг марказини ташкил этадиган антропоцентрик метафора диссертациянинг тадқиқ манбаини ташкил қилади.

подходы. [http://www. Balkan Rusistics](http://www.BalkanRusistics.com). Статьи. Монографии. Метафорология. Теоретические аспекты. Ч. I. Г. 2. – 185 с.

³ Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – 267 б.; Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2010. – 286 б.; Мукаррамов М. Метафора ясовчи ўхшатиш воситаларининг маънолари ҳақида. //Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1971. 2-сон. – 51–53 б.; Тоҳиров З. Метафора лексема-семемасининг прагматик семаси. //Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1983. – № 1. – Б.74-77; Усмонов С. Метафора.//Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1964. 4-сон, – 36 б.; Алиқулов Т. Полисемияларнинг ҳосил бўлиши ҳақида. //Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1963. –№ 6. – 42 б.; Ўзбек тили лексикологияси //Масъул муҳ. А.Ҳожиёв, А.Ахмедов. – Тошкент: Фан, 1981. –316 б.; Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологияси. 2- жилд. – Тошкент: Университет, 2003. – 15 б.

⁴ Қобулжонова Г.К. Метафоранинг системавий-лингвистик талқини: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент: 2000. – Б.33; Хўжамқулов А. Ўзбек тилида метафоранинг таснифланишига доир / Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб чиқарилган илмий мақолалар тўплами. Лингвист. 2-китоб. – Тошкент: Академнашр, 2011. – Б.85–88; Худайберганова Д.С. Ўзбек тилидаги бадиий матнларнинг антропоцентрик талқини: Филол. фан. д-ри. ... дисс. – Тошкент: 2015. – Б. 64-74; Махмараимова Ш. Оламнинг миллий лисоний тасвирида теоморфик метафоранинг когнитив аспекти: Филол. фан. номз. ... дисс. – Қарши. 2018. – Б. 90-93; Рустамова Д. Метафорик эвфемизация: Филол. фан. д-ри. ... дисс. – Андижон, 2013. – Б. 104-108; Юлдашев А. Идиоматик кўшма сўзларнинг лингвокогнитив аспекти (инглиз ва ўзбек тиллари мисолида): Филол. фан. фал. д-ри. ... дисс. автореф.– Тошкент, 2017. – 47 б.

Тадқиқотнинг предметини антропоцентрик метафоранинг лисоний, когнитив ва лингвомаданий аспекти ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда тавсифлаш, систем таҳлил, контекстуал таҳлил, дифференциал-семантик таҳлил, когнитив, субстанциал, қиёсий-типологик, дискурсив, фалсафий генесиологик таҳлил методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

антропоцентрик метафоранинг лисоний метафора ва нутқий метафора тури мавжудлиги асосланган;

антропоцентрик метафоранинг когнитив механизми “борлиқ→тушунча→лисон→нутқ” тартибида эканлиги аниқланган;

антропоцентрик метафора “инсон→борлиқ” ва “борлиқ→инсон” тарзида бўлиши исботланган;

антропоцентрик метафора шаклланишининг миллий-тарихий илдизлари ибтидоий маданият билан боғлиқлиги далилланган;

антропоцентрик метафорада ўзбек халқининг лингвомаданий, этномаданий ва этномаънавий табиати очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

антропоцентрик метафоранинг лисоний хусусиятлари ёритиб берилган;

антропоцентрик метафора талқини “олам инсонда” ва “инсон оламда” когнитив модели асосида амалга оширилиши, борлиқ ҳодисаларини концептуаллаштириш “инсон” концептининг айрим қирраларини инсон тасаввурларида яққоллаштиришда, тартибга солишда фаол иштирок этиши, инсон тана аъзолари, ташқи кўринишлари, хатти-ҳаракатлари, ҳолатини тасвирлашда борлиқ ҳодисалари ифодалари ўзига хос когнитив вазифа бажариши тушунтириб берилган;

антропоцентрик метафоранинг лингвомаданий аспектини ўрганиш орқали чиқарилган хулосалар лексикологиянинг антропоцентрик ва дискурсив асосларини яратишда, мавжуд ўқув адабиётларини мукамаллаштиришда, ўқув, методик ва ўқув-методик қўлланма ва мажмуалар яратишда, маъруза матнлари тузишда хизмат қилиши асосланган;

тил ва маданият уйғунлиги ҳамда муштараклигининг метафорик маъноларда намоён бўлиши лингвокультурологик концептнинг моҳияти сифатида ўзига хос ўрин эгаллаши маданий муҳитга дахлдор бўлган муқобиллари билан қиёслаб ўрганилган;

тадқиқот материаллари ўзбек когнитив тилшунослиги, лингвокультурологияси, метафорологияси, этнографияси бўйича тузиладиган луғатларни тайёрлашда муҳим манба бўлиб хизмат қилиши кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот юзасидан чиқарилган хулосалар унинг методологияси ва методикаси билан уйғунлиги, кўрилаётган соҳа бўйича қўйилаётган муаммонинг долзарблиги, янги ва муҳим вазифаларнинг ҳал этилганлиги, лисоний далиллар талқинининг назарий асосланганлиги,

тадқиқотнинг ҳимояга олиб чиқиладиган ҳолатлари қиёсий-назарий усуллар ёрдамида ечилганлиги ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот луғавий бирликларни “имконият ва воқелик” диалектикаси асосида антропоцентрик ва дискурсив таҳлил қилишда, лексик имкониятларнинг нутқий воқеланиш хусусиятларини лисоний ва нолисоний омиллар ҳамкорлиги масаласи нуктаи назардан текширишда назарий аҳамиятга эга. Тил лисоний имкониятларидан амалий фойдаланиш самарадорлигини таъминлашда, лексикологиянинг антропоцентрик ва дискурсив асосларини яратишда, мавжуд ўқув адабиётларини мукаммаллаштиришда амалий аҳамият касб этади.

Тадқиқот материалларидан ўқув, методик қўлланмалар ҳамда мажмуалар яратишда, маъруза матнлари тузишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Антропоцентрик метафоранинг лисоний, когнитив ва лингвомаданий аспекти муштаракликда ёритиш юзасидан тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

антропоцентрик метафора лисон ва нутққа муносабатига кўра фарқланишига ўрганишига оид назарий хулосалардан 2007-2011 йилларда бажарилган ОТ-Ф8-027 рақамли “Қўлёзма манбаларнинг миллий-маънавий ва адабий мерос тарғиботдаги аҳамияти” фундаментал лойиҳасида (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 20 декабрдаги 89-03-4386-сон маълумотномаси) фойдаланилган. Натижада антропоцентрик метафора лисон ва нутққа муносабатига кўра фарқланиши ёритилишига эришилган;

антропоцентрик метафоранинг когнитив механизмини ёритишга антропоцентрик метафоранинг социал хосланиши, ҳамда антропоцентрик метафоранинг гендер хусусиятлари ҳақидаги илмий хулосалардан ОТ-Ф8-062 рақамли “Тил таракқиётининг деривацион қонуниятлари” номли фундаментал тадқиқотлар лойиҳасида (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 16 январдаги 89-03-234-сон маълумотномаси) фойдаланилган. Натижада антропоцентрик метафоранинг когнитив механизми ҳамда социал хосланиши илмий янгилигини ёритишга эришилган;

антропоцентрик метафоранинг лисон ва нутққа муносабати, унинг дихатомик фарқланиш хусусиятлари, “инсон-борлиқ” ва “борлиқ-инсон” муносабати асосидаги этномаданият, этномаънавият ҳақидаги фикрлардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O'zbekiston” телерадио каналининг “Бедорлик” дастурида ҳамда “Таълим ва таракқиёт”, “Ижод завқи”, “Адабий жараён”, “Ҳамроҳ” эшиттиришларида (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O'zbekiston” телерадиоканалининг 2019 йил 3 майдаги O'z/R-1-85-сон маълумотномаси) фойдаланилган. Натижада айни кўрсатув ва эшиттиришларнинг илмий-оммабоплиги таъминланган ва улар янги манбалар билан бойиган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза

кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та илмий мақола (5 та республика ва 5 та хорижий журналларда) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат, умумий ҳажми 139 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Биринчи боб **“Антропоцентриқ метафоранинг лисоний хусусияти ва турлари”** деб номланган, унда антропоцентриқ метафоранинг лисоний хусусиятлари, моҳияти, онтологик, лисоний табиати, лисоний таснифи ва экстралингвистик омилларга муносабати ҳақидаги фикрлар баён этилган.

Метафорик маъно лексема бош семемаси таркибидаги денотатив (аташ) ва коннотатив (ифода) семалари нисбатининг ўзгариши асосида содир бўлади. Ҳосила маъно эса семема даражасида (лисоний) бўлиши ҳам, бўлмаслиги (нутқий бўлиши) ҳам мумкин. Инсонни тавсифловчи ёки атовчи лексеманинг қарийб барчаси кўчма маънода қўлланади ва аксарияти лисонийлашган – ижтимоийлашган, яъни семема даражасига кўтарилган.

Антропоцентриқ метафоранинг лисоний таснифи, аввало, тилнинг дихотомик бўлинишига таянади. Тил лисон ва нутқдан иборат бўлганлиги каби антропоцентриқ метафора ҳам лисоний ёки нутқийлиги билан фарқланади.

Нутқий маъно – ижтимоийлашмаган, ўзида окказионалликни сақлаб турган, матн орқали англашиладиган маъно. Масалан, *мушук* сўзи одамга нисбатан қўлланган “писмиқ”, “ичидан пишган” маъносига эга, ҳамма ҳам уни шу маънода тушунавермайди ва бундай қўлланишдаги маънони изоҳлашда қарашлар турлича бўлиши мумкин. Кўпчилик томонидан эътироф этилмаганлиги боис уларга луғатлардан ўрин берилмаган. Кўпол кишига нисбатан *айиқ*, бефаросат кишига нисбатан *ҳўкиз*, ўта муғамбир кишига нисбатан *илон*, қилмиши ёмонликдан иборат кишига нисбатан *чаён*, аёл кишига нисбатан *товуқ* сўзини ишлатиш ҳоллари учраб туради:

1. *Илон боласи илон, чаён боласи чаён.* 2. *Дарди йўқ*

кесак, шиқи йўқ эшак. 3. Бундан кўра гўнг титганинг яхши эмасми, **қари товук!** 4. Сизларга нима керак, **жўжаларим?** Бундай метафорик маънолар нутқий, бадий метафора сифатида баҳоланади.

Лисонийлашаётган метафорик маънода лисонга интилиш миқдорий ўзгаришлари меъёр бўғини атрофида, уларни гоҳ луғатлар “илғайди”, гоҳ нутқий маъно сифатида эътибордан четда қолдиради. Масалан, *пари, фаришта, ой* каби сўзларнинг метафорик маънолари шундай маънолар типидандир.

Бу тип ҳосила маънолар лисоний моҳият касб этган маънолар билан қўлланиши нутқ шароитига бевосита боғлиқ ҳамда махсус синтагматик қуршовда намоён бўлувчи нутқий маънолар орасидаги вазиятни эгаллайди ва уларни шартли равишда лисонийлашмаган ҳосила маъно сифатида бериш маъқул. [иш] лексемасининг “меҳнат, юмуш” маъноси бош маъно бўлса, “лавозим, хизмат” маъноси лисонийлашаётган маъно сифатида қаралиши мумкин.

Антропоцентрик метафорани дастлаб “инсон→борлиқ” муносабати асосида қуйидагича таснифлаш мумкин⁵:

I. Инсоннинг биологик ҳодиса сифатидаги хусусияти асос бўлган метафорик маъно. Бу қуйидаги ички бўлинишларни беради: 1.1.Инсоннинг тана аъзолари асос бўлган метафорик маънолар: **ҚЎЛ 4 с.т.** Ҳайвонларнинг олдинги оёқлари. *Кўйнинг қўли ва сони. Қўл гўшти. 5 с.т.* Бармоқ. *Ўрта қўл. Беш қўл баравар эмас.* Мақол. 1.2.Инсоннинг ташқи кўриниши асос бўлган метафорик маънолар: **БУКУР 3** Эгилган, майишган, қийшиқ, букри. *Темир йўл ёқалаб кетган дала йўли букур жийда тагида тугарди.* С.Маҳкамов, Шогирд. 1.3.Инсон ҳолати ва унинг тана аъзолари ҳаракати асос бўлган метафорик маънолар: **ТИПИРЛАМОҚ 2** кўчма Тез, шошилиш ёки безовта ҳаракат қилмоқ, шошилиб питирлаб қолмоқ. *Нурхон типирлаб қолган Равшан полвонга тикилди.* О.Ёқубов, Ларза. 1.4.Инсоннинг жисмоний ҳолати асос бўлган метафорик маънолар: **КАСАЛ 4** от кўчма Нарса ёки унинг қисмидаги носоғ, бузуқ ҳолат; носозлик, иллат. *У [Эркин] машинага бир қараидаёқ касалини топади ва давосини қилади.* Ҳ.Ғулом, Тошкентликлар. 1.5. Инсоннинг ҳаёт босқичлари асос бўлган метафорик маънолар:

ҚАРИ 2 кўчма Узоқ ўтмишга эга. *Етиб келар муздай шабада... Қари тоғнинг хўрсиниқлари.* Ш.Раҳмон, Юрак қирралари. 1.6. Инсон кийимлари ва уларнинг қисмлари асос бўлган метафорик маънолар: **ЁҚА I 1** Соҳил, қирғоқ; бўй, лаб. *Ариқ ёқаси. Элгелди қамшизорни оралаб, қўл ёқасига чиқди.* А.Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. **2** Чет, чекка, ён. *Кўча ёқаси. Йўлнинг икки ёқасида тераклар шовуллайди, булбуллар сайрайди.* Ҳ. Ғулом, Машғал.

II. Антропоцентрик метафоранинг иккинчи тури “борлиқ→инсон” йўналишида: ҳайвонлар (кенг маънода) ва улар хусусиятларининг инсонга нисбатан метафорик асосда кўчирилиши. **БЎРИ 2** кўчма *Юрагим сан эдинг,*

⁵Мисоллар ўзбек тилининг 5 жилдли изоҳли луғатидан олинди.

Гулнор, кўзим илгари очилган бўлса эди, ман ўз юрагимни бўриларга едирармидим? Тонгла маҳшарда қай юз билан санга боқаман? Ойбек, Танланган асарлар.

III. Фитоморфик метафоралар антропоцентрик метафоралар сирасида ўзига хос мавкеи билан ажралиб туради. Замонавий адабиётда ҳам, мумтоз адабиётда ҳам маъшуқага нисбатан *арғувон, сарв, гул, лола, шамшод* каби қатор сўзлар инсонга нисбатан қўлланилиб, метафорик ифода вазифасини бажаради.

IV. Космоморфик метафора. Осмон ёриткичлари инсонга нисбатан беҳад кўп қўлланади. *Ул ой фироқиди ашким оқарга шому саҳар, Тулуи Зухра била Муштари эрур боис.* Навоий, Ростлиғ улдурки.

V. Абиоморфик метафора. Инсонга нисбатан қўлланадиган табиатдаги жонсиз нарсаларни ифодаловчи лексемаларнинг метафорик маънолари уларнинг ўзи каби беҳад кўплиги билан характерланади. *Тог, тош, тупроқ, тилла, олтин, темир* кабилар. Ўзбек тилида *суянган тоғим, тупроқ бўлгил, тилла бош, темир ирода* каби бирикмалар мавжудлиги улар таркибидаги абионимларнинг метафорик маънолари мавжудлигидан далолат беради. Лекин уларнинг кўпчилиги лисоний табиатга эга бўлмаганлиги боис луғатлардан жой олмаган.

Антропоцентрик метафоранинг лисоний таснифи, аввало, тилнинг дихотомик бўлинишига таянади. Тил лисон ва нутқдан иборат бўлганлиги каби антропоцентрик метафоралар ҳам лисоний ёки нутқийлиги билан фарқланади.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Антропоцентрик метафоранинг когнитив хусусияти**” деб номланган, унда оламнинг лисоний тасвири системасида антропоцентрик метафора, антропоцентрик метафоранинг когнитив структураси, инсонни концептуаллаштирувчи метафорик маънонинг когнитив мундарижаси каби масалалар ёритилган.

Ҳар бир лингвистик парадигма ўзига хос таянч тушунча ва категориал аппаратга эга. Когнитив ёндашувнинг ядровий тушунчаси *концепт*, бошқа барча тушунчалар унинг атрофида айланади. Концепт ҳам серкирра категория, унга турли томондан муносабатда бўлиш асосида турлича қўллаш ҳоллари мавжуд. Улар орасида ментал-фаолиятлилик⁶, индивидуал-нутқий⁷, семантик⁸, культурологик⁹, когнитив¹⁰, лингвокультурологик¹¹ тушунишлар алоҳида ўрин

⁶Аскольдов С.А. Концепт и слово. Русская словесность. От теории словесности к структуре текста: Антология. Под ред. проф. В.П.Нерознака. – М.: АCADEMIA, 1997. – С. 267-279.

⁷Лихачев Д.С. Концептосфера русского языка. Русская словесность: Антология. – М.: АCADEMIA, 1997. – С. 280-287.

⁸Михальчук И.П. Концептуальные модели в семантической реконструкции (индоевропейское понятие «закон»). ИАН СЛЯ. 1997. – Т. 56. – № 4. – С.29-39; Wierzbicka A. Semantics, culture and cognition: universal human concepts in culture-specific configurations. – New York: Oxford University Press, 1992. – 416 p.; Wierzbicka A. Lingua Mentalis: The Semantics of Natural Language. – Sydney: AkademikPress, 1980. –367 p.

⁹Степанов Ю.С. Константы: словарь русской культуры. Опыт исследования. – М.: Языки русской культуры, 1997. – 824 с.; Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека. – 2-е изд., испр. – М.: Языки русской культуры, 1999. – 896 с.; Булыгина Т.В., Шмелев А.Д. Языковая концептуализация мира (на материале русской грамматики). Монография. – М.: Языки русской культуры, 1997. – 704 с.

¹⁰Бабушкин А.П. Концептуальные типы значений. Контрастивные исследования лексики и фразеологии русского языка. – Дисс. ... д-ра. фил. наук. – Воронеж: Изд-во Воронеж. ун-та, 1997. – 330 с.; Кравченко А.Б. Знак, значение, знание. Очерк когнитивной философии языка. – Иркутск: Иркутской областной типография – №1, 2004. – С.22-27;

тутади. Тадқиқотимизда концепт когнитив-лингвокультурологик аспектида тушунилади.

Метафоризация инсон тафаккурининг тилсимларидан бири. Метафоризациянинг шаклланиш ва амал қилиш механизмида универсалиялар ҳам, миллий хусусийликлар ҳам мавжуд. Зеро, “бир хил нарсаларни ҳар хил миллат ва халқ, одатда, ҳар хил кўради, бир хил товушни турлича эшитади, бир ҳолатни турлича ҳис қилади, туяди. Акс ҳолда, хўроз ҳамма жойда бир хил қичқирса-да, уни ўзбек “қуқ-қу-қувв”, рус кишиси “ку-ка-ре-ку” тарзида эшитмас эди. Бу ўзига хослик табиий-жўғрофий, миллий-этник дунёқараш, диний-этиқодий муҳит каби жуда кўплаб омиллар билан боғлиқ.

Метафора ижтимоий онгдан чиқиб кетаётган билим асосида янги билимни вужудга келтиради. Масалан, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да *мегажин* сўзига шундай изоҳ берилган: **МЕГАЖИН** [мўғ.мэгж – урғочи қобон] **1** Урғочи чўчка. **2** Шу ҳайвонга нисбатли ҳақоратни билдиради (хотин-қизларга нисбатан ишлатиладиган қаттиқ ҳақорат сўзи). [*Шарофат:*] *Мен у ёқда итвачча боқиб ўтирибман-у, бу киши [Сидиқжон] бу ерда мегажинларнинг этагини ўпиб юрадилар.* А.Қахҳор, Қўшчинор чироқлари. *Гапир, мегажин! Нега келдинг бу ерга?* К.Яшин, Ҳамза.

Бундаги бир неча когнитив ҳолатни уқтириш лозим. Изоҳда сўзнинг мўғул тилида “урғочи қобон” деган билим структурасига эгаллиги қайд этилади. Демак, мўғул тилидаги *мегажин* концепти замиридаги билим структурасида “қобон” тушунчаси урғочилик/эркаклик белгиси асосида фарқланмайди. У туркий тилларга, хусусан, ўзбек тилига ўзлашганда торайган – концепт “урғочилик/эркаклик” тушунчасидаги “эркаклик” қисмини олиб ўтган.

ҚОБОН 1 Ёввойи чўчка, тўнғиз. *Тўқайда қирғовул, кўлда ўрдак, гоз, қобонлар кезади мисли говмишлар.* Миртемир, Асарлар (Тўрт жилдлик). **2** Эркак чўчка.

Кўринадики, ўзбек тили *қобон* ва *мегажин* сўзлари орқали борлик ҳодисасини фарқлайди, оламнинг ўзига хос лисоний тасвирини берган. Лекин сўровномада талабалар *мегажин* сўзининг асл маъносини билмаслиги унинг замиридаги асл билимнинг архаиклашганлигини ва сўз янги концептуал моҳияти билан яшай бошлаганлигига гувоҳ бўламиз.

Албатта, метафорик маъно янги билим ифодаси экан, бу билим структурасида ҳам олдинги билимга боғланадиган узвийлик, узлуксизлик, детерминизм, мақсадлилиқ, хулосавийлик, шартлилиқ, йўл бериш тамойиллари амал қилади.

Кубрякова Е.С. Начальные этапы становления когнитивизма: лингвистика – психология – когнитивная наука. ВЯ, 1994. – №4. – Москва. – С.34-47; Стернин И.А. Концепт и языковая семантика. Связи языковых единиц в системе и реализации. Когнитивный аспект. – Тамбов, 1999. Вып. 2. – С. 69-75.

¹¹Воркачев С.Г. Концепт счастья в русском языковом сознании: опыт лингвокультурологического анализа. – Краснодар: Кубан. гос. технолог. ун-т, 2002. – 142 с.; Воркачев С.Г. Культурный концепт и значение. Труды Кубанского государственного технологического университета. Сер. Гуманитарные науки. Т. 17. Вып. 2. – Краснодар, 2003. – С.268-276.

Демак, метафоранинг когнитив хусусияти ҳақида гап кетганда, унда инсон сезги аъзолари ва интеллектуал имкониятлари яхлит амал қилишини таъкидлаш лозим. Метафора ижодкори бўлган инсон – когнитив мавжудлик.

Антропоцентрик метафора талқини, айтилганидек, “олам инсонда” ва “инсон оламда” когнитив модели асосида амалга оширилади. Дунё тилшунослигида Н.Д.Арутюнова, Ю.Д.Апресян, В.Н.Телия, А.А.Уфимцева, В.Г.Гак, Е.В.Урисон, Б.А.Серебренников, Т.В.Булигина, А.Д.Шмелев ва бошқа олимлар тадқиқотлари ушбу модель асосида бажарилган сара ишлар ҳисобланади.¹²

Тил лексик тизимининг янги сифат босқичига кўтарилганлиги, лексикографик талқинларнинг системавий лексикологик-семасиологик талқинларга таянаётганлиги ҳосила маънолар тизимида ҳам янгича ёндашувлар юз беришини тақозо қилади.

Метафорик модель уч қатлам муносабат асосида туғилади: а) денотатлар орасидаги муносабат; б) референтлар орасидаги муносабат; в) маънолар орасидаги муносабат. Улардан биринчиси метафорик моделга асос, иккинчиси метафорик моделнинг ядроси, учинчи муносабат метафорик модель маҳсули. Ҳар бир метафорик модель ўз ички тармоқларига эга.

Метафорик модель орасидаги муносабат ҳосила маъно вужудга келишида асосий ва ҳал қилувчи. Боғловчи бўғин мақомидаги бу унсур денотатлар орасидаги ўхшашлик, референтлар орасидаги умумийлик, маънолар орасидаги интеграллик кўринишида мавжуд.

Инсонни тавсифловчи “ноинсоний” ифода воситаларининг тегишли ҳосила маъноси “борлиқ→инсон” метафорик модели асосида ҳосил қилинади. Инсон тана аъзолари, ташқи кўринишлари, хатти-ҳаракатлари, ҳолатини тасвирлашда борлиқ ҳодисалари ифодалари ўзига хос когнитив вазифани бажаради.

Инсон тана аъзолари мукамал ўрганилган. Шу боисдан уларга денотатларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тегишли номлар ҳам берилган. Бироқ бу номларнинг орасида борлиқ ҳодисалари номларининг кўчма, метафорик маънода қўлланганлари ҳам кўп. Қуйида улардан айримларини кўриб ўтамиз.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да тана аъзоси сифатидаги *оёқ* сўзининг қатор маънолари изоҳланган:

ОЁҚ I 1 Одам, хайвон, қуш ва умуман жонли организмлар гавдасининг таяниб туриши ва юриши ёки ўрмалаши учун хизмат қиладиган аъзо. **2** Стол, стул, сўри, каравот каби буюмларнинг ерга таяниб турадиган қисми, пояси. **3** Охир, одоқ. **4** Фасл, давр ва ш.к. нинг охири, тугаётган вақти.

¹²Кубрякова Е.С. Эволюция лингвистических идей во второй половине XX века (опыт парадигмального анализа). Язык и наука конца XX века. – М.: Российская академия наук. Институт языкознания РАН, РГГУ, 1995. – С.144–238; Арутюнова Н.Д. Вступление. Логический анализ языка. Образ человека в культуре и языке. Отв. ред. Н.Д. Арутюнова, И.Б. Левонтина. – М.: Индрик, 1999. – С. 424.

Кўринадик, сўзнинг бош маъноси “тирик мавжудотнинг таяниб туриш”, “юриш ёки ўрамалаш учун хизмат қиладиган аъзоси” семемаси.

Маълумки, тирик мавжудотда оёқ тананинг ерга тегиб турган қуйи қисми, тананинг тугаш жойи, бошга тескари қутбда жойлашган муча. Бунда сўзнинг ушбу маъноси тирик мавжудотлар учун “юриш, туриш, ҳаракатланиш, ўрамалаш” маъносидан кейин иккинчи даражали белги сифатида изоҳда бўлмаслиги ҳам мумкин. Ҳақиқатан ҳам, тирик мавжудот ҳақида гап кетганда бу маъно бўлакчасини изоҳга киритиш ўринсиздек туюлади. Чунки юриш аъзоси бўлгандан кейин у тананинг бошқа жойида бўлиши мумкин эмас.

Инсоннинг ташқи кўринишини образли ифодалашда ёки уларни ифодаловчи тил воситалари бўлмаганда тил соҳиблари томонидан борлиқ аталмишлари инсонга нисбатан қўлланиши мумкин. Маълумки, саксовул – шўрадошлар оиласига мансуб чўл бутаси. Бўйи 1,5–12 м, танасининг қалинлиги 1 метргача етади. Гули майда. Барглари учли, ривожланмаган, тангачасимон, гул ҳосил қилувчи новдачалари қари шохлардан ўсиб чиқади. Йиллик ёш новдаларининг кўп қисми кузда, айниқса, совуқ тушиши билан тўкилиб кетади, озроқ қисми эса ёғочга айланиб, сақланиб қолади¹³.

Бунда саксовулнинг асосий фреймлари қуйидагилар:

- 1) саксовулнинг шакли – ривожланмаган барглاردан иборат тана;
- 2) ранги – оқ ёки қора;
- 3) манзили (чўллар).

Чўл ўсимлиги эканлиги унинг таналарининг қаттиқлиги ва сувга чидамлилигида кўрилади.

“Саксовул” когнитив концептида юқоридаги уч белгидан инсонга нисбатан биринчи ва иккинчиси асосида метафорик маъно ҳосил қилиниши мумкин. Қоқсуяк, қора ва баланд бўйли кишиларга нисбатан салбий бўёқ билан бу сўз истифода этилиши мумкин. Албатта, денотатларнинг мослик/мос эмаслик белгиларини кидиришда муносабат ҳам муҳим роль ўйнайди. Салбий шахсий муносабат денотатлар орасидаги ўхшашликни бўрттиради – тушунчаларни сунбий равишда мувофиқлаштиради, лексемага антропоцентрик тус берилади: 1. *Олдимда бир туп саксовул турар эди: қоп-қора, ёноқлари бўртиб чиққан, фақат суяклардан иборат дейсан.* А.Қоржовов, Илонғор подачиси.

Инсоннинг ҳаракатини ифодаловчи феъллар инсон мазмуний майдонида алоҳида ўрин тутаяди.

Антропоцентрик феълларнинг идеографик хусусиятини тадқиқ қилган тадқиқотчи Ё.Ҳамраева “инсон – биологик ҳодиса” асосидаги бирликларни қуйидагича тасвирлайди:

- ташқи кўриниши билан боғлиқ антропоцентрик феъллар: *семирмоқ, тўлишмоқ, гўзаллашмоқ, озмоқ, ориқламоқ, хунуклашмоқ...*

¹³Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти 7-жилд. – Тошкент, 2004. – Б.64.

- тана ҳаракати билан боғлиқ антропоцентрик феъллар: айланмоқ, эгилмоқ, қимирламоқ, ётмоқ, аганамоқ, юмаламоқ, ёнбошламоқ, йиқилмоқ, тоймоқ

- ички аъзолар билан боғлиқ антропоцентрик феъллар: оғримоқ, ҳазм қилмоқ, дуқилламоқ, лўқилламоқ, санчмоқ, чўзилмоқ, гўлдирамоқ, кекирмоқ

- ҳаёт босқичлари билан боғлиқ антропоцентрик феъллар: тугилмоқ, ўсмоқ, вояга етмоқ, кўзи очилмоқ, улгаймоқ, кексаймоқ, ўлмоқ, вафот этмоқ, қазо қилмоқ

- саломатлик билан боғлиқ антропоцентрик феъллар: ётмоқ, уқаламоқ, игна санчмоқ, дамламоқ, суртмоқ, бермоқ, ичирмоқ, текширмоқ, даволамоқ, операция қилмоқ, эмламоқ, укол қилмоқ, таъхис қўймоқ, анализ олмоқ, зонд ютмоқ, муолажа қилмоқ, турғизмоқ, юргизмоқ, даволамоқ¹⁴

Шу билан бирга, олиманинг таъкидлашича, ҳайвонларга алоқадор бўлган ақилламоқ, сайрамоқ, дупурламоқ, кишинамоқ сингари лексемалар ҳам кўчма маънода ушбу майдон қамровига кириши мумкин.

Ақл – инсоннинг онг билан боғлиқ барқарор хоссаси. “Ақл” концепти серқирра, инсонга хос мавҳум ҳодисаларнинг мураккаб синтези. У психологияда инсон миясининг дунёни ақс эттириш ва шахснинг воқеликка бўлган муносабатини кўрсатиш қобилияти сифатида тушунилади. Баъзан унга фаолият сифатида ҳам қарашади. Тасаввуфда “асмо” ва “сифот”ни, борликда субстанция ва фаолиятни ажратиб бўлмаганлиги каби ақлий қобилият ва ақлий фаолиятни бир-биридан айри тасаввур қилиш қийин. Лекин идрокий усулда субстанцияни хоссадан ажратиб талқин қилиш имкони мавжудлиги ақлни қобилият сифатида баҳолашга имкон беради. Зеро, ақл борликни идрок этиш воситаси экан, уни “предметлаштирган” йўсинда талқин қилиш мумкин. Ақл борлик ҳодисаларининг муҳим ва зарурий муносабатларини ифодалашга, унга шахсий муносабат билдириш ҳамда воқеликни инсоний манфаатларга мос равишда ислоҳ этишга хизмат қилади.

Фикр – ақлнинг маҳсули, унинг чуқурлиги, қамрови, изчиллиги, системавийлиги ва суръати ақлнинг ички имконияти билан боғлиқ сифатлари. Ақл муҳит билан боғлиқ ривожланади. Ақлнинг ўсиши табиий ҳодиса эмас. Унда тарбиянинг муҳим ўрни бор.

Инсоннинг биологик, анатомик, социал, маданий сифатлари ақл билан мутаносиб ривожланади. Ақлий ва жисмоний такомиллашувда нисбий номутаносиблик ҳам мавжуд. Ақлнинг сифатлари даражаланиш хусусиятига эга. Фикрий сифатлар ақлнинг имконияти билан белгиланади. Шунга кўра, ақлнинг ўзи ичида яна даражаланадиган икки турга фарқланади:

а) ақлий расолик:

б) ақлий норасолик.

¹⁴Ҳамраева Ё.Н. Ўзбек тилининг идеографик луғатини тузиш тамойиллари (ҳаракат ва ҳолат тушунчасини ифодаловчи сўзлар мисолида): Фил.фан.номз. ... дисс. – Тошкент, 2010. – Б.28.

Ақлий расолик шахснинг соғлом фикр юритиш қобилиятига эгаллиги. Ақлий расолик шахснинг борлиқни объектив идрок этиш асосида унга тўғри муносабат билдириш хусусияти.

“Ақлий расолик” умумий концепти: а) зеҳнли; б) оқил; в) руҳий соғлом каби тушунчалардан ташкил топади.

Зеҳнлилик ва оқиллик тилимизда *ақли расо, ақлли, ақли бутун, ақли теран, оқил, ақли зийрак* каби ифодалар билан бериладиган инсоний ҳолат: **1. Ақлинг билан кўр, кўз алдайди.** Мақол. **2. Қайси вазирим ақли зийрак, донишмандлигини билдирса, хазинамдан ўн тилло ва бош-оёқ сарпо бераман.** “Луқмони Ҳаким”. Инсондаги бу ҳолатни ифодалаш учун етук, хушёр, мияли (ижобий), бурганинг кўзини кўра оладиган (салбий) бирликларнинг метафорик маъноларидан кенг фойдаланилади.

Диссертациянинг учинчи боби **“Антропоцентрик метафоранинг лингвомаданий хусусияти”** деб номланади. Бобда метафорада тил ва маданият уйғунлиги, антропоцентрик метафорада тил ва маданият яхлитлиги, “инсон” ва “хайвон” концептида зооморфик метафоралар ҳақидаги фикрлар баён қилинган.

Тил ва маданият яхлитлиги, тил ва маданият ҳодисалари мажмуидан иборат лингвокультурологик концепт барча қирралари билан этнолингвистиканинг таркибий қисми бўлган лингвокультурологиянинг ўрганиш объектидир. Яхлитлик ва қиёс лингвокультурологик тадқиқотларнинг асосини ташкил қилади. Миллий маданиятнинг бир турини у мансуб яхлит маданий тизимдан айри ҳолда қараш текширишнинг системавийлигига путур етказади. Миллий маданият гетероген яхлит система бўлиб, маданиятнинг турфа элементлари система таркибида узвийликка эга бўлади. Масалан, хитой халқи учун энг азиз таомлардан бўлган қурбақа гўштини меҳмонга қўйиш унсурини ўзбек миллий маданияти мезонлари билан ўлчаб бўлмайди. Ф.Боас тил ва маданият яхлитлигини шу йўсинда – яъни макон ва замон кесимида олиш кераклиги ғоясини илгари сурган эди. Г.Олпорт этник маданиятни қуйидаги принциплар кўзгусида баҳолаш тарафдори бўлади: а) назарий тамойил; б) иқтисодий тамойил; в) эстетик тамойил; г) социал тамойил; д) сиёсий тамойил; е) диний тамойил. Зикр этилган тамойиллар, умуман олганда, дунёқарашнинг турли қирралари билан мувофиқ. Шу маънода маданият дунёқараш билан уйғунлашган.

Инсон борлиқни анъаналар асосида баҳолайди. Анъаналар инсон тафаккурининг, умуман олганда, консервативлиги билан белгиланади. Инсоннинг тасаввурлари қолиплашган. Ўхшатишдан иборат фикрлаш тарзи тилда вербаллашган метафора сифатида намоён бўлади. Инсон тафаккурининг ўзи метафорик моделларга асосланган. Фикрлаш жараёни ҳам, қиёслаш асослари ҳам, чиқариладиган хулосалар ҳам метафорик механизм маҳсули. Икки тушунчани олайлик: “она” ва “ватан”. Инсонда аввал онгсиз, кейинчалик эса онгли равишда она ҳақидаги тасаввурлар шаклланади. Дастлаб руҳий ва жисмоний боғлиқлик пассив субъект сифатидаги болада она ҳақидаги инстинктив тасаввурларни пайдо қилади. Иссиқ вужуд, тириклик манбаи бўлган кўкрак ва меҳрибон нигоҳ учлиги

болада онага дастлабки меҳр кўринишидир. Бу меҳр – муносабат маҳсули. Онанинг болага, боланинг онага моддий ҳамда маънавий муносабати меҳрни шакллантиради ва улғайтиради. Она озиқлантирувчи ва ҳимоячи, жисм ҳамда руҳни тарбияловчи, боланинг эҳтиёжларини қондирувчи илк, асосий объект. Онанинг бу хислатлари фарзанднинг улғайиши билан кўпроқ англанадиган бўлиб боради. Унинг англанган қамрови ва сифати кундан-кун улғаяди. Онг остида бу объектнинг бошқа коррелянтлари билан қиёсланиши натижасида хосса ва сифатлари барқарорлашиб, кучайиб онглилик давридаги ҳолатининг мустаҳкамлиги ва барқарорлигининг пойдевори бўлиб хизмат қилади. Ватан инсон онгида шаклланган она ҳақидаги тасаввурлар замирида, онг остидаги қиёси ва уйғунлигининг беихтиёр ҳис қилиниши таъсирида тобора кучайиб боради.

Тил ва маданият муштараклиги муаммоси серқирра ва тахлили ўта мураккаб. Тилда халқ маданиятининг илк шакллари ҳам, бугунги ҳолати ҳам бирдай мавжуд. Шунга кўра, тил маданият ифодаси сифатида архаиклашган, нисбийлашган, барқарор маданий мағизли бирликларнинг муҳташам хазинасидир.

Тил ва маданият муштараклиги кўпроқ метафорада кўзга ташланганлиги каби, метафора босимини антропоцентрик метадоралар ташкил қилади. Метафорик тизимда антропоцентрик метадоранинг бу хусусияти тилда инсон омилининг ўрни ва роли билан белгиланади.

Инсон маданият субъекти сифатида унинг вужудга келиши ва тилда акс этишини ташкил этади. Шу боисдан антропоцентрик метафорада тил ва маданият муштараклиги бошқа метадораларга нисбатан яққолроқ ифодаланади. Инсонда табиат ҳодисалари, табиатда инсон хусусиятларини кўриш тафаккурнинг асотирий даври анъаналарининг сақланиб қолганлиги билан боғлиқ. “Тафаккурнинг илк тарихий шакли асотирий тафаккурдир. Ибтидоий жамият кишиси оламни билишда, турли ҳодисалар, жараёнлар ўртасидаги ҳақиқий ёки хаёлий боғлиқликни, уларнинг бир-бирига ва ердаги ҳаётга, одамлар тақдирига таъсирларини аниқлашда ҳамда ифодалашда асотирилардан (мифологиядан) фойдаланган. Асотир оламни кенг қамровли, умумлашган, системали ва айни пайтда конкрет-образли идрок қилишнинг ибтидоий универсал, синкретик шаклидир. Асотирлар тизимини оламнинг ибтидоий ажодларимиз томонидан яратилган илк модели дейиш мумкин”¹⁵.

Тил ва маданият муштараклиги инсоний фаолият билан бевосита боғлиқ соҳа, нарса ва ҳодисалар ҳақидаги тушунчаларда кўпроқ намоён бўлади. Хусусан, чорвачилик, деҳқончилик маданияти билан боғлиқ тушунчалар антропоцентрик метафоризация жараёнида муҳим аҳамият касб этади.

Инсон сифатлари қайсидир йўсинда ҳайвонга кўчирилади. Бунинг замирида жонсиз нарсаларда жон, ҳайвонларда руҳ бордек ибтидоий тасаввур анъаналари ётади. Зеро, “барча предметларни, ҳодисаларни ўз руҳига эга мавжудот деб қарайди, яъни табиатни жонлантиради. Воқеликни бундай идрок этиш асотирий

¹⁵Эркаев А. Маънавият ва тараққиёт. – Тошкент: Маънавият, 2009. – 398 б.

тафаккурнинг ҳаётга магиявий (*магия* – тилсим, сеҳр-жоду) муносабатини тақозо этади ва шакллантиради. Нарса ва ҳодисалар, предметлар ўртасидаги, шу жумладан, инсон ва табиат, инсон ва жамият, инсон ва инсон ўртасидаги алоқалар негизида турли тилсимлар, ғайритабиий кучлар, таъсирлар ва қонуниятлар ётади деб ҳисобланади. Ҳаётга тилсимий (магиявий) муносабат маълум предметларни фетишга айлантириб, уларга сиғинишга олиб келади. Тилсимий муносабат табу (тақиқ)га таянади. Магияда табу сакрал (муқаддас) аҳамият касб этади ва турмуш меъёрига, қондасига айланади”¹⁶.

“Инсон” концепти ўта мураккаблиги билан характерланади. Унинг мураккаблиги, умуман олганда, инсоннинг табиати билан белгиланса, иккинчи томондан, миллий-ментал муҳит ҳам шахснинг мураккабланишини янада кучайтиради.

“Инсон” концепти моҳияти қуйидаги фреймларда очилади: а) инсон – тирик мавжудот; б) инсон – онгли мавжудот; в) инсон – маданий мавжудот; г) инсон – ижтимоий мавжудот; д) инсон – мавжуд мавжудот.

“Инсон – тирик мавжудот” фреймида инсоннинг белги-хусусиятлари ва хатти-ҳаракатларини тавсифлашда зооморфик лексемалардан унумли фойдаланилади: 1. *Қамариддиннинг яхши-ёмонлигини Асрор шу пайтгача аниқ билмайди. Бир қарасанг – хўроз, ўртоғини деб ўтга тушишдан ҳам тап тортмайди.* Т.Малик, Алвидо болалик. 2. *Э, бормисиз! – деди. – Отангизга раҳмат! Полвоннинг хўрози самовар олади, ҳа!* Т.Мурод, Юлдузлар мангу ёнади. 3. – *Танқидчи – ит! – деди Даҳо. Бир нимани билса-билмаса ақиллай беради.* Т.Мурод, Момо ер қўшиғи.

Ҳайвон хусусиятларини ифодалашда антропоцентрик метафоралардан унумли фойдаланилади. “Ҳайвон” концепти моҳияти қуйидаги фреймал тармоқларда очилади: а) ҳайвон – жонли мавжудот; б) ҳайвон – инстинктив сезгига эга махлук; в) ҳайвон – тириклик манбаи; г) ҳайвон – ақлли мавжудот; д) ҳайвон – инсоннинг ҳамроҳи; е) ҳайвон – инсонга зид.

“Ҳайвон” концепти моҳиятининг таркибий қисмлари ва уни реаллаштирувчи узвлар бўлган ушбу фреймларда инсон антропоцентрик метафорадан унумли фойдаланади.

Ҳайвон жонли мавжудот сифатида яшаш учун курашади, ўзининг биологик эҳтиёжини қондиришга ҳаракат қилади. Ўлжа қидиради, ўлжасига ҳамла қилади, унинг ҳаётини хавф остига қўяди. Ҳайвоннинг ўлжаси инсон ҳам бўлиши мумкин. Инсон ҳайвоннинг ўз ўлжасига муносабатини соф инсоний хатти-ҳаракатларни, хусусиятларни ифодаловчи сўзлар билан ифодалайди ва турли туркумга оид метафораларни қўллайди: – *Тогда қийналмадимми? – Йўз-е, фақат бир марта*

¹⁶Эркаев А. Маънавият ва тараққиёт. – Тошкент: Маънавият, 2009.– 399 б.

полвон кўрқитибди. – *Полвон кўрқитибди дедингми?* Ш.Холмирзаев, Сўнгги бекат.

Албатта, бу жумлаларни ўқиган киши тоғу тошларни макон қилиб олган бир киши (полвон) борган кишиларга ҳамла қилиши, уларни кўрқитиши ҳақида гап кетаётгандек. Гаплардаги *полвон, кўрқитмоқ* антропоцентрик лексемалари шундай хулоса чиқаришга асос бўлади. Лекин матннинг давомини ўқиган киши бутунлай бошқа нарса ҳақида гап кетаётганлигини, юқорида ажратиб кўрсатилган сўзлар метафорик кўчма маънода эканлигини англаб етади: – *Айиқ-да.* – *Э, тоғда кўп ҳайвонларни ўз номи билан аташмайди-я, ирим қилишади. Бўрини ҳам бўри дейишмайди, “жондор” дейишади.* Ш.Холмирзаев, Сўнгги бекат.

ХУЛОСА

1. Метафора тилда янги сўзларнинг пайдо бўлиш омилларидан бири, метафоризация натижасида янги маънонинг фаоллашуви ва бош маънонинг кучсизланиши, микдор ўзгаришининг сифат ўзгаришига ўтиши диалектик қонунияти асосида содир бўлиши, бу эса янги маънонинг қўлланишини меъёрлаштириб, бош маънонинг кучсизланишини юзага келтиради.

2. Ҳар қандай метафора семик силжиш ва семантик тараққиёт, сўз асосий семемасининг тармоқланиши. Метафора: а) антропоморфик; б) зооморфик; в) фитоморфик; г) космоморфик; д) абиоморфик турларга эга.

3. Метафорик маъно лексема бош семемаси таркибидаги денотатив (аташ) ва коннотатив (ифода) семалари нисбатининг ўзгариши асосида содир бўлади. Ҳосила маъно эса семема даражасида (лисоний) бўлиши ҳам, семема даражасида бўлмаслиги (нутқий бўлиши) ҳам мумкин. Баъзи семаларнинг кучайиши, аниқлашиши, бўрттирилиши бошқа семаларнинг заифлашишига, кучсизланишига олиб келади.

4. Метафорик маъно ҳосил бўлиши учун бир сўз бошқа сўзга нисбатан сўзловчининг ифода мақсадига кўпроқ мос ва мувофиқ бўлади ва шунинг учун биринчиси ўрнида иккинчиси қўлланади ҳамда бирор денотатнинг ифодаловчиси бўлмаганлиги ёки мавжуд ифода сўзловчи мақсадига мувофиқ бўлмаганлиги сабабли бир сўз бошқа денотатни ҳам ифодалашга хизмат қилади.

5. Лисон нутқда вокеланар экан, унинг ғайриодатий қўлланиши бир қарашда лисонга дахлсиздек туюлса-да, семеманинг нутқий метафорик қўлланиши ғайриодатий равишда вақт ўтиши билан одатга айланиб боради ва натижада окказионал нутқий маънода узуаллашиш юзага келади.

6. Метафора асосида кўринмас олам ҳам, кўринувчи олам ҳам ўзгача тус олади – у ҳақдаги билимларда сифат ўзгариши содир бўлади; унинг юзага чиқиши коммуникатив мақсад билан боғлиқ, бу мақсад борлиқ ҳақидаги ахборотни тингловчига етказиш ва унинг руҳиятига таъсир қилиш ҳисобланади ва у онг усти ёки онг остида содир бўлиш билан характерланади.

7. Метафорада асос ва ҳосила, маъно ўхшовчи ва ўхшатиловчи объектлар муносабатга киришади, объектлар орасидаги ассоциатив боғланиш асосида эса метафорик модель иш кўради. Метафорик модель орасидаги муносабат ҳосила маъно вужудга келишида асосий ва ҳал қилувчи унсур сифатида денотатлар орасидаги ўхшашлик, референтлар орасидаги умумийлик, маънолар орасидаги интеграллик кўринишини намоён қилади.

8. Инсоний сифат ва хусусиятлар ҳақидаги билимлар мажмуи қанчалик теран ҳамда атрофлича бўлмасин, уни ифодалайдиган тил бирликлари бўлмаслиги, мавжудлари ҳар доим ҳам мўлжалдагидек ўз аксини топмаслиги мумкин. Шу нуқтаи назардан, борлиқ ҳодисалари ҳақидаги тушунчалар инсон ҳақидаги тасаввурларни яққоллаштиришда, тартибга солишда, концептуаллаштиришда иштирок этади. Шу маънода халқ мақол ва маталлари, иборалар, афоризмлар ҳам инсон хусусияти ҳамда сифатларини очиб беришга хизмат қилади.

9. Метафора тилнинг қулайлиги ва ихчамлигини таъминлаш учун хизмат қилади ва унинг ўз-ўзидан ривожланиш жараёнини тартиблаштириб туради, тартибсизликни тартиб ўзанига туширади. Метафора маданий муҳитдан қувват олади, метафорик моделларидан узилган метафоранинг бўлиши мумкин эмас, аммо у сунъийлиги ва ўткинчилиги билан характерланади.

10. Тил ва маданият муштараклиги кўпроқ метафорада кўзга ташланади, метафоранинг асосини антропоцентрик метафора ташкил қилади. Метафорик тизимда антропоцентрик метафоранинг бу хусусияти тилда инсон омилининг ўрни ва роли билан белгиланади. Шу боис тил ва маданият муштараклиги инсоний фаолият билан бевосита боғлиқ соҳа, нарса ва ҳодисалар ҳақидаги тушунчаларда кўпроқ намоён бўлади. Хусусан, чорвачилик, деҳқончилик маданияти билан боғлиқ тушунчалар антропоцентрик метафоризация жараёнида муҳим роль ўйнайди.